*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№№ 85—86 (2726—2727)
1994 йил, 4 ноябрь

Тошкент шаҳрида— сотувда баҳоси 2 сўм.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИДА

ШУ ЙИЛ 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 1993—1994 йилларнинг 9 ойи мобайнида республика ички ишлар идоралари шахсий таркибини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг аҳволи, хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя қилиш ишлари таҳлил этилди. Ушбу даврларда мавжуд ички ишлар идораларининг раҳбарлари, шу жумладан, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари томонидан кадрларни танлаш, ўқитиш, тарбиялаш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш ишларига диққат-эътибор кучайтирилгани таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга бу борада қилинаётган ишларда ҳали кўпгина камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ИИБларида қонунчиликка тўлиқ риоя қилинмаётгани, бу ҳолатлар айниқса, жиноят-қидирув, тергов, жиноятчиликнинг олдини олиш хизматларида ҳануз йўл қўйилаётганлиги айтиб ўтилди.

Ҳайъат юқоридаги камчиликларни бартараф этиш раҳбарларнинг қўл остидаги ходимлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлардаги масъулиятни кучайтириш юзасидан қатор тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, уларнинг ижросини таъминлаш учун жойларга юборишни мақсадга мувофиқ деб топди.

## БУГУНГИ СОНДА:

**4-БЕТ** ХАЛҚ ХИЗМАТИДА ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛ

**2-БЕТ** ОСОЙИШТАЛИК— ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**5-БЕТ** СОҒЛОМ ҲАРАКАТ УЧУН

**3-БЕТ** АСОСИЙ ЎРИНДА

**8-БЕТ** ЮРАККА УРИЛГАН ТИҒСИЗ ХАНЖАР

# ИШГА ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИБ

**Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг мажлислар залида милиция участка вакилларининг 1 илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

Муҳокама қилинадиган масала республика пойтахти аҳолиси учун жуда муҳим эди: "Аҳоли билан жуда яқин ҳамкорликда ишлайдиган милиция ходимларининг ишини қандай қилиб яхшилаш мумкин?"

Конференцияни Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ш. Расулов очди. Шундан сўнг залга йиғилганлар конференцияда қатнашаётган республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Б. Парпиевнинг таклифи билан Республика Президенти И. Каримовнинг Фарғона шаҳрида сўзлаган нутқи видеоёзувини тингладилар.

Анжуманда асосий маъруза билан сўзга чиққан Тошкент шаҳар ИИББ ЖООБ бошлиғи, милиция подполковниги М. Деҳқонов милиция участка вакиллари фаолиятидаги мавжуд муаммоларга батафсил тўхталди.

У ана шу хизматнинг катта участка вакили, Мирзо Улуғбек туман ИИБ 1-ШМБ милиция участкасининг бошлиғи, милиция капитани М. Мардиев, Шайхонтоҳур туман ИИБ участка вакили, милиция капитани Н. Валиулин, Чилонзор туман ИИБ участка вакили, милиция капитани М. Умиров ва бошқа ходимларнинг ўзлари хизмат қилаётган ҳудудларда астойдил меҳнат қилаётганларини таъкидлади. Бироқ, бир қатор участка вакиллари ўзларига юклатилган масъулиятни чуқур англамаяптилар. Муқаддам судланганлар, нохуш оилавий-маиший муносабатлар заминида ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчилар, гиёҳвандлар ўртасида профилактика ишини олиб боришда мавжуд бўлган нуқсонлар кўп жиҳатдан ана шу ҳол билан изоҳланади.

(Давоми 2-бетда)

*Муҳарририятга мактублар*

## ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМАН

ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА нималар бўлмайди, дейсиз. Гоҳида қувончдан бошингиз осмонга етса, гоҳида ғафлатда қоласан киши. Мени қўлимга қалам олиб, мана шу миннатдорчилик сатрларини битишга ҳам ҳаётимда юз берган хунук воқеа ва бунга барҳам берган соф виждонли инсоннинг пок қалби ва адолатпарварлиги сабаб бўлди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида менинг уйимдан уч бош эчкимни ўғирлаб кетишди. Лекин орадан кўп ўтмай эчкиларимни топдим. Уларни бошқа одам боқиб юрарди. Орага милиция ходимларини қўйдим. Лекин хом ўйлаган эканман. Эчкини топганимдан бери тинчим йўқолди. Эчкиларнинг "янги эгаси" ҳам кириб келиб, дўқ ура бошлади. Бошқалар ҳам, ҳатто милиция ходими ҳам келиб улар томон бўлди. Мен аросатда қолдим. Олмалиқ шаҳар прокуратураси ҳам, ички ишлар бўлими ҳам ёрдам бера олмади.

Аммо охирида менинг аҳволимни тушунадиганлар ҳам топилди. Тошкент вилояти ИИБ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси катта нозири, милиция капитани Марат Сайдаҳмедов жонимга оро кирди. У бир ойда тинчимаган ишни икки кундаёқ тинчитди-қўйди.

Ҳурматли "Постда" газетаси муҳарририяти! Газетангиз орқали ўз бурчига содиқ, инсонпарвар, қатъиятли, ҳақиқий милиция ходими, милиция капитани Марат ака Сайдаҳмедовга менинг миннатдорчилигимни етказсангиз.

Азиз ва қадрли Марат ака! Менга қилган яхшиликларингиз бир умр ёдимдан чиқмайди. Менга ҳадя қилган хурсандчилик Сизга ва хонадонингизга доимо ҳамроҳ бўлсин. Умрингиздан барака топинг.

**Туймагул ЭШМАНОВА,**
**Олмалиқ шаҳар, Нокбойсой кўча, 14-уй.**

## ҚАҲРАМОННИ ҚАҲРАМОН БИЛДИМ

ДУГОНАМ ИККИМИЗ электропоездда гурунглашиб келардик. Қўшни вагондан қиз боланинг қичқириғи эшитилди. Одамларнинг шов-шувидан мен аввалига нима бўлганлигини тушуна олмадим. Кейин билсам, қўшни вагонда икки барзанги ўспирин йигит талаба қизга шилқимлик қилишаётган экан. Мен ҳам қўшни вагонга чиқдим. Ҳалиги йигитлар (уларнинг исмларини айтишни эп кўрмадим) талаба қизни уришар ва шармандаларча ҳақоратлашар эди! Баъзи одамларнинг бир-бирига бўлган оқибатсизлигидан ва бефарқлигидан кишида нафрат ҳисси уйғонади. Наҳотки шундай катта бир вагонда қиз болани тарсиллатиб уришса-ю, бутун бошли бир вагон одам қараб ўтирса? Бу нима деган гап, ахир?!

Ушбу манзарадан кўзим олди қоронғилашиб кетди, бўғзимга бир нима тиқилди...

Шу пайт орқа ўриндиқда ўтирган бир йигит шаҳд билан ўрнидан турди-да, ҳалиги йигитлар томон йўл олди. Мен шу он ўзимга-ўзим ҳар қалай юраги ўтли йигитларимиз ҳам бор экан-ку деб қувондим. Ҳалиги безориларнинг ҳимоячи йигитга нигоҳлари тушиши биланоқ негадир ранглари докадек оқариб кетди ва "йигитлар қуён", дейишди-ю, кўздан ғойиб бўлишди. Хўш, нима учун ҳалиги безорилар бегона йигитни кўришлари билан ура қочишди? Бу йигит ким? Ҳалидан буён бутун вагоннинг тинчини бузаётган безориларни инсофга чақира олмаётган одамларни уялтирган мард ким ўзи? Негадир шу йигит мени қизиқтириб қолди.

Дафъатан йигит билан танишишга иштиёқ туғилди. Бу пайтда биз "Ўзбекистон" станциясига етиб қолган эдик. Ҳалиги қиз ҳам йўлда тушиб қолди.

Дастлаб йигит ўзини таништиришни истамади. Шунинг учунми, суҳбатимиз унчалик қовушмади. Маълум бўлишича, бу йигит республика ИИВ Нақлиёт Ички ишлар бошқармасида хизмат қиларкан. Исми Қаҳрамон, фамилияси Эргашбоев. Милиция катта лейтенанти. Уйининг энг тўнғичи экан. Бора-бора у билан суҳбатимиз анчагина жонланди.

— Қиз болага қўл кўтарган кишини кўрсам аямайман, — дейди Қаҳрамон ака.

Демак, безорилар аввал ҳам фуқаро кийимида юрадиган Қаҳрамон аканинг қаҳрига дуч келишган. Бу гал ҳам кутилмаганда унга рўпара бўлишганди.

Дарҳақиқат, Қаҳрамон ака Эргашбоевнинг гапларидан ўз бурчига содиқлиги сезилиб турарди.

Қанийди, ҳамма йигитларимиз ҳам Қаҳрамон ака каби мард, ўктам бўлсалар...

**Саодат ҒОЙИПОВА,**
**жамоатчи мухбир.**

*Икки жума оралиғида*

### "ЧУМЧУҚЛИЖАР"ГА "ҚУЛАДИ"

САРИОСИЁ туманида "Чумчуқлижар" деб аталувчи ДАН пости бор. Шу постда турган ички ишлар ходимлари "ЗИЛ-130" русумли юк машинасини тўхтатишгач, машина устига юкланган шакар билан қизиқиб қолдилар.

Маълум бўлишича, вилоят таъминот базаси ҳайдовчиси Ў. шериги, Ҳиссадорлик жамияти омбор мудири билан келишиб, 50 қоп шакарни Тожикистонга олиб кетаётган экан. Ҳужжатсиз олиб кетилаётган шакарларнинг ширин мазасини бу икки "ишбилармон" балки аччиқ даҳмазасини тортиб кўришгандан сўнг билишар...

### БЎКИБ ҚОЛИБ...

ЗАРАФШОН шаҳрида яшовчи, эндигина 17 ёшга тўлган йигит бандаликни бажо келтирди. Уни биров уриб ўлдирмади, пичоқлаб ҳам кетмади.

Лўндасини айтганда, бу ўспирин ўз бошини ўзи...

Ҳа, гиёҳвандликдек дарди бедаво касалга мубтало бўлган бу йигитча гиёҳванд моддасини кўп миқдорда истеъмол қилгач, бир йўла ёруғ олам билан хайрлашди.

### ПАНЖАРА ОРТИГА КЕТДИ

НАМАНГАН шаҳрида олиб борилган тезкор тадбирлар маҳалида Гулистон кўчасидаги хонадонларнинг биридан топилган 1,5 килога яқин гиёҳванд модда туфайли хонадон соҳиби айни 23 ёшида панжара ортида ўтирадиган бўлди.

### БИР КУЧИГА ЭМАС...

ТОШКЕНТ шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 82 ёшли кампирнинг уйида спиртли ичимликка "тўйиб" олган салкам 60 ёшли Будашовнинг бир қилиғи ортиб тушди. Бир кучига эмас, қирқ кучига ишондими, жанжалда 35 ёшли Мирновдан паст кетмади ва унинг кўкрагига пичоқ санчиб олди.

Термиз шаҳридан келган меҳмонни ўлдириб қўйган бу нафақадор мезбоннинг ишини прокуратура ходимлари ўрганиб чиқадиган бўлишди.

### АРМИЯГА БОРМАЙСАН, АГАР...

ОЛТИНКЎЛ тумани мудофаа ишлари бўйича бўлими ходимларидан икки киши пора туфайли қўлга тушди.

Улар ўзаро келишиб, бир йигитни муқобил хизматга олиб қолиш шарти билан, бўлажак аскарнинг акасидан 3000 сўм пора олаётганда ишлари чаппасига кетди. Терговни прокуратура олиб бормоқда.

### ҚУЁН РАСМИНИ ЧИЗГАНДИ...

НОРИН туманида 25 октябрь куни номаълум автомашина Учтепа пахта қабул қилиш пунктида ишловчи аёлни ва унинг 12 ёшли қизини уриб кетиб, воқеа жойидан қочиб кетганди.

Икки ожизанинг умрига зомин бўлган бу қотилни топиш осон бўлмади. Қидирув, суриштирувлардан сўнг, қочоқ ушланди. У 35 ёшли бинойидай ақли-расо киши экан.

**Ўзбекистон ИИВ Матбуот маркази хабарлари.**

# ИШГА ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маърузачи бир-бирига яқин кишилар маиший заминда содир этган оғир жиноятлардан мисоллар келтирди, уларнинг олдини олиш учун участка вакилининг иши қандай ташкил этилиши кераклигини кўрсатиб ўтди.

Йиғилганлар эътибори озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтиб келганлар билан ишлашга янада чуқур мулоҳаза билан ёндашиш зарурлигига қаратилди, чунки айни улар томонидан алоҳида хавфли жиноятларнинг катта қисми содир қилинмоқда ва бу ишни ўз ҳолича ташлаб қўйиб бўлмайди.

Маърузачи спиртли ичимликларни суистеъмол қилувчилар ва гиёҳвандларни мажбуран даволашга юбориш иши яна тикланганлигини таъкидлади. Бир неча ой ичида деярли 100 киши даволанишга юборилди. Спиртли ичимликлар истеъмол қилинадиган маконлар эътибордан четда қолмаяпти.

Маърузачи М. Деҳқонов вазир ўринбосари Б. Парпиев ва ИИБ бошлиғининг ўринбосари Ш. Расуловга мурожаат қилиб, милиция бошлиқларининг фаолиятини қайта қуришга, милиция участка вакилларини ишига қандай муносабатда бўлишига қараб уларга баҳо беришни таклиф қилди.

У участка вакиллари штатларини қайта кўриб чиқишни таклиф қилди, чунки илгари Тошкент вилояти ҳудудида бўлган кўпгина аҳоли пунктлари кейинги йилларда шаҳарга ўтганлигини ҳисобга олиш керак.

Юнусобод туман ИИБ ЖООБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ю. Ламброзо озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтиб келганлар билан фаол профилактика ишларини олиб бориш муҳимлиги тўғрисидаги мавзуни давом эттирди. Унинг фикрича, бундай кишиларнинг ижтимоий жамиятга тезроқ кўникиб кетишлари учун аввало уларнинг маиший шароитини яхшилаш ва тезроқ ишга жойлаштириш даркор. Бу масалалар қанчалик самарали ҳал қилинса, уларнинг мослашиши ҳам шунчалик самарали бўлади. Участка вакиллари ва жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати инспекторлари туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда 1994 йилда озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган 80 кишини ишга жойлаштирдилар.

Нотиқнинг фикрича, бевосита туман жиноятчиликнинг олдини олиш бўлимларида ҳуқуқбузишга мойил кишиларни ҳисобга олиш тизимига компьютерларни жорий этиш ғоятда истиқболлидир. Юнусобод туман ИИБдаги бундай тажриба унинг ғоятда натижали эканлигини кўрсатди.

Тошкент шаҳар ИИББ ЖООБ "Аҳлоқ милицияси" бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги С. Расулов фоҳишахоналар эгалари, фоҳишалар, қўшмачиларни аниқлаш бўйича иш тажрибаси ҳақида муайян мисоллар келтириб, яққол сўз юритди.

Ундан сўнг сўзга чиққан Миробод туман ИИБ ЖООБ бошлиғи, милиция майори Т. Расулов йиғилганлар эътиборини маиший-низоли вазиятларни бошланғич босқичида аниқлаш маиший жиноятларнинг олдини олишда энг муҳим палла эканлигига қаратди. У арзимаган жанжал ҳуқуқбузиш ёки жиноятга айланишини ҳеч қачон кутиб ўтириш мумкин эмаслигини таъкидлади. Бунда муҳими, одоб-эҳтиром туйғусини сақлаган ҳолда бардошлик билан сабабларни аниқлаш, уларни бартараф этишга ва низолашаётган томонларни яраштиришга ҳаракат қилиш лозим. Профилактик таъсир кўрсатишнинг янги шаклларини тарғиб қилиш, масалан, маҳаллалар қўмиталари ёки ҳокимликлар қошидаги келиштириш комиссиялари ҳақида ҳам ўйлаш зарур. Нотиқ оилада тотувлик ва осойишталик асоси бўлган соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш кераклигини таъкидлади.

Чилонзор туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори П. Мамбековнинг чиқиши жўшқин ва самимий бўлди. У кўп йиллар давомида участка вакили бўлиб ишлаган, республикада биринчилар қаторида "Хизмат кўрсатган милиция участка вакили" кўкрак нишони билан тақдирланган.

У ИИББ бошлиғининг ўринбосари Ш. Расуловга мурожаат қиларкан, участка вакилларини турли тадбирларда иштирок этишга чақириб, хизмат кўрсатадиган участкаларидан чалғитмасликда, ташкилий-штат лавозимларини ҳал қилишда ёрдам беришини илтимос қилди.

Республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Б. Парпиев ва Республика ИИВ ЖООБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори И. Мамадалиев йиғилганларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Анжуман якунида вазир ўринбосари Б. Парпиев сўзга чиқди. У ўз нутқида пойтахт участка вакиллари жиноятларнинг олдини олиш ва очиш борасида катта иш олиб бораётганликларига қарамай, эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслик кераклигини таъкидлади. Яхши маълумки, Тошкентда аҳвол қандай бўлса, бутун республикада ҳам шундай бўлади. Яхши ишлаш учун ходим ўз касб савиясини ошириши керак. Фуқароларнинг шикоят ва аризаларига пала-партиш муносабатда бўлиш,ўз хизмат бурчини бажаришга қўл учида қараш фактларига йўл қўйиб бўлмайди.

Нима учун, милиция капитани М.Мардиевнинг хизмат хонасида ҳамма нарса жой-жойида, озода ва шинаму, катта участка вакили, милиция майори Б. Қўйлиевнинг хизмат хонасида эса ҳеч қандай ёзув йўқ. Ҳужжатлар аралашиб ётибди. Ҳолбуки, уларнинг маошлари бир хил. Фикримча, Республика ИИВнинг Тошкент милиция участка вакиллари фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича маълумотнома улар ишини яхшилашга доир шаҳар дастурини яратиш учун база бўлиб хизмат қилиши керак. Тошкент шаҳар туманлари ИИБ бошлиқларининг ўринбосарларидан умидимиз катта. Бундай лавозим фақат пойтахтда бор. Участка вакилларининг фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни улар ҳал қилмаса, яна ким ҳал қила олади? Бу соҳада иш жуда кўп. Ишни ҳеч бўлмаганда участка вакилларини зарур хоналар, телефон алоқаси, хизмат квартиралари билан таъминлашдан бошлаш керак, Ҳар учтадан битта участка вакили хизмат хонасига муҳтожлиги, ҳар иккитадан биттасида хизмат телефони йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин? Хизмат уй-жойи ва уй телефони билан таъминлаш масаласи янада оғир аҳволда. Тошкентда бу масалаларни ҳал этишнинг имкони йўқ деб билмайман. Улар билан изчил ва собитлик билан шуғулланиш даркор. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган кишиларни ижтимоий муҳитга мослаштириш марказларини барпо этишда ҳам ана шундай иш олиб бориш зарур. Республика Вазирлар Маҳкамасининг бу масала бўйича тегишли фармойиши бор. Биз бу масалага оид кўрсатмаларни жойларга икки марта юбордик, лекин, маълум бўлишича, ИИББ ЖООБ ходимлари бу иш билан шуғулланмаяптилар. Бундай марказлар шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида тузилиши керак, улар озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтиб келганларга моддий ёрдам кўрсатиш учун маблағ ажратишлари шарт.

Бироқ бу ишни жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ходимлари амалга оширишлари лозим. Чунки улар, айтайлик, 1994 йил давомида қанча одам қамоқхоналардан чиқиб келиши, ҳеч бўлмаганда дастлабки давр учун қанча маблағ талаб қилинишини, корхоналарда қанча иш ўрни ва қандай ихтисосликлар бўйича ишчилар кераклиги ҳақида ахборотга эгалар.

Анжуманнинг биринчи қисми ички ишлар вазири ва ИИББ бошлиғининг милиция участка вакилларининг катта қисмини тақдирлаш тўғрисидаги буйруқларини эълон қилиш билан якунланди.

Танаффусдан сўнг участка вакиллари жамоат тартибини сақлашнинг учта энг яхши пунктига бордилар, шунингдек шаҳар наркология диспансери фаолияти билан танишдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, бундай кенгаш Тошкентда ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери ўтказилмаган эди. ИИББ жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ходимлари, бошқарма ва бўлимлар, тармоқ хизматлари ходимлари томонидан катта ташкилотчилик иши олиб борилди. Фикримча, олдга қўйилган мақсадга эришилди — анжуманга йиғилганларнинг ҳар бири ўз ишини қандай яхшилаш тўғрисида ўйлади, унинг натижаларини танқидий баҳолади.

**Д. ЖЎРАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходими, милиция подполковниги.**

# ОСОЙИШТАЛИК - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ вазиятни янада барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши кескин кураш олиб бориш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида совутмасдан очиш, жамоат тартибини таъминлаш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Маълумки, ҳар қандай кўринишдаги жиноятларнинг пайини қирқиш, жамиятимиз равнақига зид иллатларга қарши қаттиқ зарба бериш фаолиятимизнинг бош мезони ҳисобланади. Айниқса, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик сингари жиноятларни келтириб чиқарувчи зарарли унсурларга қарши муросасиз курашни кучайтирилган тартибда олиб бораяпмиз. Қолаверса, гиёҳвандлик нафақат жиноятлар сабабчиси, балки инсонлар умрининг заволи ҳамдир. Бу оғу таъсирида ўз инсоний қиёфасини йўқотган кимсалар, оиласидаги тотув ва тинч ҳаётни жанжалга алмашган шахслар йўқ эмас.

Афсуски, бундай кимсалар бу офатнинг қабиҳ оқибатларини билсалар-да, уни экиш ёки истеъмол қилишдан ўзларини тиймаяптилар. Ушбу турдаги жиноятлар ўтган йилнинг 9 ойи даврига нисбатан 295 тадан 386 тага аниқланди. Бу борада Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари ИИБ ходимлари олиб борган тезкор қидирув ишларини ижобий баҳоламоқ жоиздир.

Жиноятларни ўз вақтида фош этиш иккинчи бир жиноятнинг олдини олишда етакчи ўрин тутади. Вилоят миқёсида жиноят-қидирув соҳаси бўйича жиноятларни фош этишнинг 6,7 фоизга яхшиланиши ходимларимиз ўзаро ҳамкор ишлашининг самарадорлиги ошганлигидан далолатдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жиноятчиликка қарши курашда хизмат интизомини яхшилаш, қонунчилик талабларини тўғри қўллаш ва ходимларни хизматига яраша рағбатлантириш муваффақиятлар калити бўлиб қолмоқда.

Ушбу йилнинг 9 ойи давомида вилоятимиз ҳудудида қайд этилган барча турдаги жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга камайди.

Юртбошимизнинг даъвати билан уюшган жиноятчиликка қарши кураш давр дастуриламалига айланди ва бу борадаги ишлар бизнинг вилоятимизда ҳам кескин тус олди.

Айрим жиноятчи гуруҳлар устида тўхталишни жоиз деб биламан. Масалан, шу йилнинг ёзида Нишон туманидаги нефть маҳсулотлари таъминоти базасида фаолият кўрсатган жиноятчи гуруҳнинг кирдикорлари фош этилди. Бу гуруҳ томонидан давлатнинг 45912 сўмлик 20 тонна А-76 бензини ғайриқонуний йўллар билан талон-торож қилинган.

Ушбу факт юзасидан база бошлиғи ва унинг жиноятчи шериклари қамоққа олинган.

Ёнилғи билан бир қаторда дон маҳсулотларининг ҳам валюта билан ҳисобланишини яхши биламиз. Келгусида ғаллачиликни янада ривожлантириш, жорий йилда тўпланган дон маҳсулотларини ўринли сарф этиш ҳақида деярли ҳар бир йиғинда такрор-такрор уқтирилмоқда. Айрим нафс бандалари эса ўз чўнтакларини қаппайтириш мақсадида дон маҳсулотларини талон-торож қилишга ружу қўйганларки, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу борада фақат қонун устивордир.

Асримизнинг сўнгги йиллари биз учун, бизнинг давлатимиз учун ривожланиш палласи бўлмоқда. Аммо яхшиликнинг соясидан ёмонлик ҳам панох топади, деганларидек, жиноятчи гуруҳлар ҳам замонага мослашиб, устамонлик билан иш қўришга ҳаракат қилмоқдалар. Албатта, бунда милиция ходимлари учун замонавий техника воситалари зарур. Вазирлигимиз томонидан бизнинг бошқармамиз учун ҳам бир неча енгил автомашиналар ажратилди. Компьютерлар билан таъминланганмиз. Эришаётган муваффақиятларимизда бу катта омил бўлмоқда.

Давлатимизнинг осойишталигини таъмин этувчи — милициянинг обрўсини кўтариш, халқ билан ҳамкорликда ишлаш ички ишлар тизимини шахсий таркибларининг ягона мақсадига айланган. Ходимларимиз мустақиллик эътиқодига содиқ қолган ҳолда халқ, юрт хизматига доимо шай тураверадилар.

**Ш. КАРИМОВ,**
***Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.***

## *ХИЗМАТ ЖОЙИ — ИЧКИ ҚЎШИНЛАР*

# ТАЖРИБА АЙИРБОШЛАДИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИВ Ички қўшинлар бошқармасида бўлинмаларнинг шахсий таркиби билан ишлайдиган зобитлар билан икки кунлик семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда бошқарма бошлиғининг ўринбосари, полковник Т. Соатов маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганидек, республикада тартибни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг шахс, жамият ва давлат манфаатларини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий ва бошқа хил ҳуқуққа зид хуружлардан ҳимоя қилишга даъват этилган ички қўшинлар алоҳида ўрин тутади. Кўпинча, ҳарбий хизматчиларга ғайриоддий шароитларда ҳаракат қилишга, мустақил равишда қарорлар қабул қилишга, жанговар хизмат вазифаларини бўлинмалардан ажралган ҳолда бажаришга тўғри келади. Улар, одатда, фуқаролар билан доимо мулоқотда, кишилар кўз ўнгида бўладилар, бу эса ҳарбий хизматчилардан мулоқот, хулқ-атвор, ҳурмат-эҳтиромда юқори даражада маданиятли бўлишни талаб этади. Шу сабабли бўлинмаларда шахсий таркиб билан олиб бориладиган тарбия ишини ташкиллаштиришда катта талаблар қўйилмоқда.

Кўпчилик қисм ва бўлинмаларда ҳарбий хизматчиларни аскарий ва ҳуқуқий тарбиялашга, Ўзбекистон халқларининг анъана ва урф-одатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатни тарғиб қилишга катта эътибор берила бошланди. Қисмларга келаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари ва вилоят мудофаа ишлари бўйича бўлимларнинг вакилларидан тарбиявий ишда фаолроқ фойдаланила бошланди.

Маърузачи айрим бўлинмаларда шахсий таркиб билан тарбиявий иш олиб боришдаги камчиликлар хусусида ҳам тўхталди.

Семинар давомида тарбиячи зобитлар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, келажак режалари хусусида сўзладилар. Уларнинг ҳаммаси тарбия ишини шакллантиришнинг янги шаклларини, ҳарбий хизматчиларда дунёқараш асосларини шакллантириш ишида самарадор ёндашувларни излаш зарур, деган хулосага келдилар. Буларнинг барчаси суверенитет, давлат мустақиллиги ғояси билан йўғрилиши керак.

Семинар якунида зобитлар олдида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар бошқармаси бошлиғи, полковник Х. Ҳожиматов сўзга чиқди.

**Лейтенант Ш. КАРИМБОЕВ.**

# АСОСИЙ ЎРИНДА

Ички ишлар идоралари таркибида жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати беш йил олдин қайтадан ташкил топди. Илгари у жиноят-қидирув хизмати таркибида бўлиб, қайта ташкил этилганидан сўнг, хизмат бошқа етакчи, мустақил хизматлар қаторидан ўз ўрнини эгаллади.

Ўтган йиллар ичида бу хизматнинг мақсади ва вазифалари ўзгармади. Аввалгидек унинг эътибори марказида йўлдан тойган, қўллаб-қувватлаш ва ғамхўрликка муҳтож бўлган кишилар туради.

Янгийўл туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Худойберганов жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ходимларининг кундалик фаолияти, уларнинг кўпинча ҳеч ким сезмайдиган сердиққат ишлар ҳақида ҳикоя қилади.

Милиция участка вакиллари ва вояга етмаганларнинг ишлари бўйича назориятлар инспекторлари хизматимизнинг ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этади. Улар ўз ҳисобларида турган турли тоифадаги шахслар ўртасида ҳар куни профилактика ишини олиб борадилар.

Ҳисобда турган кишилар рўйхатининг кенгайишини баъзилар фавқулодда ҳодиса деб қабул қиладилар, улар жиноят қилишга мойил кишилар қанча кўп аниқланса, жиноятчиликнинг олдини олиш иши шунча ёмон даражада деб ўйлайдилар. Бунда улар ҳисобга олиш профилактика ишининг айни бошланиши эканлигини эътиборга олмайдилар.

Илгари судланган кишиларнинг ҳар учтадан бири ҳисобда туради. Бизнинг асосий вазифамиз уларнинг такроран жиноят қилишига йўл қўймасликдан иборат. Бунда бизга ҳокимлик қошида ташкил этилган кўникма маркази сезиларли ёрдам кўрсатмоқда.

Марказ илгари судланган, айниқса, туманимизда қариндош ва танишлари бўлмаган кишиларни ишга жойлаштиришни ўз зиммасига олди. Яқин вақтгача ана шундай кишилар бизга кўп ташвиш келтирарди, чунки улар узоқ вақт паспорт қайдномасидан ўтмас ва ишга жойлашмас, таралла-бедод ҳаёт кечирар, янги жиноятларни содир этарди.

Кўникма маркази пайдо бўлгач, вазият тубдан ўзгарди. Туманга келадиган аввал судланган кишилар унинг ёрдамида 2-кўчма механизациялашган колоннага, Ҳалқобод КМКга ишга жойлашадилар. Нима учун албатта ана шу қурилиш ташкилотларига? Улардаги мавжуд шароитни ўрганиш шуни кўрсатдики, бу колонналар доим ишчиларга эҳтиёж сезади, яшаш учун уларда қулай ётоқхоналар бор.

Илгари судланган кишиларда мослашув даври муваффақиятли кечса, уларнинг бир маромдаги ҳаётга қайтишининг тезда таъминланишини кундалик турмуш кўрсатмоқда.

М. Расулов билан ана шундай ҳол юз берди. У озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган вақтидаёқ Янгийўл туманидаги синглисиникига кўчиб кетишга қарор қилган эди. Лекин бу ерга келса, синглиси аллақачон Қирғизистонга кўчиб кетган экан. Уй-жойсиз ва пулсиз у қийин аҳволга тушиб қолди. Расуловнинг участка вакили, милиция катта лейтенанти Б. Аҳмедовга мурожаат қилишдан бошқа иложи қолмаган эди, у мослаштириш маркази орқали Махмудга уй-жой ва иш топишда ёрдам берди.

Расулов билдирилган ишончни оқлади. У тақдирлаш маъносида 2-кўчма колоннадаги аъло меҳнати учун ҳайдовчилар тайёрлаш курсига юборилди, кейин эса шу ерда ҳайдовчи бўлиб ишлай бошлади.

Биз аҳоли ўртасида ишлаш шакллари, жиноятчиликнинг олдини олишнинг таъсирчанлигини ошириш йўллари устида кўп ўйлаймиз. Кейинги вақтда қариялар фаолиятидан фойдаланиш тўғрисида ҳам ўйлайдиган бўлиб қолгандик, ахир улар аввалари милицияга ишда кўп ёрдам бериб келардилар. Шунинг учун ишнинг ана шу шаклига қайтишга қарор қилинди. Туман ички ишлар бўлимининг ташаббуси билан бир қатор қишлоқларда оқсоқоллар кенгашлари ташкил этилди.

Бу кенгашларнинг кўпига милициянинг собиқ ходимлари бошчилик қилмоқдалар, улар ўз вазифаларини яхши биладилар.

Оқсоқоллар турмушда ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ҳам фаол кўрсатмоқдалар. Улар оиласида жанжал кўтарувчиларни милицияга чақириб ўтирмайдилар, балки уларга ўзлари сўзлари билан жазо бера бошладилар. Энди жанжалкашлар оқсоқоллар ўртасида муҳокама қилинмаслик учун ҳар қандай жаримани тўлашга рози бўлмоқдалар.

Оқсоқолларнинг таъсири катта самара бермоқда. Оқсоқоллар кенгашининг куч-ҳаракатлари билан кўп жойларда оилавий жанжалларга барҳам берилди.

Милиция фахрийси, нафақадор М. Бўтанов ("Озод" жамоа хўжалиги) ва нафақадор Р. Йўлчибоев (Эски Қовунчи қишлоқ йиғини Писталик участкаси) раҳбарлик қилаётган оқсоқоллар кенгашлари ўз ҳудудларида ана шундай ҳуқуқбузарликларга барҳам беришган.

Халқобод қишлоқ йиғинидаги оқсоқоллар кенгашининг иш тажрибаси ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш зарур.

Халқобод қишлоғида илгари жиноятлар кўп содир этиб туриларди. Оқсоқоллар кенгаши тузилгунга қадар такроран жиноят содир этилиши юқори даражада эди ва оилавий жанжаллар, мол ўғирлашлар тез-тез бўлиб турарди.

Кенгаш ўз фаолиятини шу ерлик кишилардан милицияга ёрдам бериш гуруҳларини ташкил этишдан бошлади, улар ярим тундан эрталабгача аҳоли пунктларида патруллик қиладилар, ярим кечада кўчада юрган ҳамқишлоқлари, нотаниш кишилар билан қизиқадилар.

Оқсоқоллар айни вақтда мол ўғирлашларга барҳам беришга киришдилар. Милиция участка вакиллари билан бирга мол боқувчи хонадонларни айландилар, улар мол боқишда пала-партиш иш тутиб, ўғирлик учун қулай шароит яратаётганликларини тушунтирдилар. Шу билан бирга молни навбатма-навбат боқиш, автомобиль йўлларига яқин ерда боқмаслик тўғрисида маслаҳат ҳам бердилар.

Бу иш ўз натижасини бера бошлади. Халқободдаги жиноятчилик деярли 1,5 баравар камайди, мол ўғирлаш ҳам кескин камайди.

Ҳозир вояга етмаганлар билан ишлаш назоратига ёш, малакали ходимлар ишга олинди. ВЕИНга туман ИИБ фахрийси, милиция майори Х. Муҳиддинов ўн йилдан кўп вақтдан бери раҳбарлик қилмоқда. У кўплаб ходимларга ҳаётга йўлланма берган. ВЕИНда тарбияланган ходимлар ҳозир жиноят-қидирувда, навбатчилар қисмида, участка вакиллари бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия тугатилганидан сўнг, ҳамма иш ВЕИН зиммасига тушди: аниқланган ҳуқуқбузар ўсмирлар, фарзандларига ноҳуш таъсир кўрсатувчи ота-оналар узоқ вақт муҳокама қилинарди. Натижада бундан бутун тарбия жараёни зарар кўрди.

ВЕИНнинг саъй-ҳаракати билан вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия қайтадан тайинланди. Эскисидан фарқ қилиб, янги комиссиянинг таркиби ишчан раҳбарлардан иборат бўлди. Унга ўқув юртларидаги аҳвол ҳақида жон куйдирадиган мактабларнинг ёш директорлари кирдилар.

Ўқув юртларининг айрим раҳбарлари негадир ВЕИНдан билим юртларидаги ҳақиқий аҳволни кўпинча яширишади, бу ерларда ўқув интизоми бузилар, гуруҳ-гуруҳ бўлиб муштлашишар эди, баъзи жойларда эса мактаб рэкети ҳам пайдо бўлиб қолганди.

ВЕИНнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бундай кайфиятга барҳам берилди. Мактаблар, ҳунар-билим юртлари ва бошқа ўқув юртлари раҳбарларининг кўпчилиги милиция билан яқин ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш устида ишлай бошладилар. Бундан икки томонлама фойда кўрилмоқда. Туманда ўсмирлар жиноят содир этиши барқарор равишда камайиб бормоқда, мактабларда нафақат ўқитувчиларнинг, балки ўқувчиларнинг ҳам умум томонидан қабул этилган хулқ-атвор меъёрларидан четга чиқишларга нисбатан муросасизлиги кучайди.

**Ш. АҲМЕДОВ ёзиб олди.**

## "02" ХАБАРЛАРИ

### ЖАНЖАЛ ТУФАЙЛИ...

ҚАРИЯЛАР эр-хотин ўртасида содир бўлиб турадиган жанжалларни ўткинчи нарсага йўйиб, дока рўмолнинг қуришига ўхшатишади. Афсуски, С. Ёқуб ва Х. Фаридаларнинг ўзаро жанжали бунинг тескариси бўлди. Жаҳл отига минган Ёқуб хотини Фарида билан жанжаллашиб, унинг кўкрагига, бўйнига пичоқ урди. Оғир тан жароҳати олган Фарида воқеа жойида ҳалок бўлди.

### ОТ ИШҚИБОЗЛАРИ

ВОБКЕНТ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Тонготар қишлоғида яшовчи П. Саъдуллаев яхши ният билан бир бош от боқаётган эди. Эрталаб туриб қараса, оти боғланган жойида йўқ. Ўзича излаб кўрди, тополмагач, туман ички ишлар бўлимига хабар қилди. Милиция ходимлари эса от ўғриларини тезда аниқлаб қўлга олишди. У жабрланувчи П. Саъдуллаев билан бир жамоа хўжаликда яшовчи 23 ёшли Хусан Х. ва 18 ёшли Жамшид Х.лар экан. От минишни орзу қилган ишқибозларнинг орзулари ушалмаган бўлса-да, улар суднинг қора курсисида ўтиришлари аниқ.

### ЎҒРИНИ УЙ ЭГАСИ УШЛАДИ

ҒИЖДУВОНЛИК Ш. Умарова кечқурун ишдан қайтгач, уйида бегона кишининг қимматбаҳо нарсаларни йиғиштириб олаётганлиги устидан чиқиб қолди. Уй эгаси ўзи билан бир жамоа хўжаликда яшовчи ўғрини дарров таниди. Ишнинг пачаваси чиққанлигини сезган ўғри уй эгасидан кечирим сўраб, бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилди. Бироқ, "қайсар" уй эгаси дарров туман ички ишлар бўлимига хабар қилди. Энди эса ҳеч қаерда ишламай, бировларнинг меҳнати эвазига кун кўришни ўзига касб қилиб олган Р. Ҳайит суднинг қора курсисида ўтириб, бериладиган саволларга жавоб қайтаришга тайёргарлик кўрмоқда.

### ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

ГЕОФИЗИКА экспедициясида қоровул бўлиб ишловчи Н. Рибкин Қоровулбозор туманининг чўл ҳудудидаги вагонда кечқурун соат 20 ларда ўзига бириктилган хизмат қуролидан ўзини отиб ўлдирган. Суиқасд сабаблари ўрганилмоқда.

### МАҚСАДИ НИМА ЭКАН?

БУХОРО шаҳридаги Ҳамза номли кўчада яшовчи Г. Хидированинг уйидаги нарсалари ёниб кетди. Уй эгаси бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар қилгач, воқеа жойига етиб келган милиция ходимлари ёнғин қасддан содир этилганлигини аниқлашди. Ички ишлар ходимларининг олиб борган тезкор қидирувлари натижасида Г. Хидированинг уйига ўт қўйган шахс аниқланди. У Бухоро шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган У. Гулноз бўлиб чиқди. Энди Гулноз ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб бериши аниқ.

### МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДУР...

ВАҚТИНЧАЛИК ҳукм сураётган иқтисодий тақчиллик даврида, кун кўришнинг осон йўлини изловчилар баъзи бир нопок мансабдор шахслар билан ўзаро тил бириктириб, товламачилик йўли билан соддадил фуқароларнинг чўнтагига кўз олайтирмоқдалар. Такси ҳайдовчиси А. Собировнинг машинасига ўтирган номаълум йўловчи ўзини солиқ инспекцияси ходими деб таништириб, ундан пора талаб қилди. Ўзини йўқотган ҳайдовчи ёнидаги 1150 сўм пулни унга берди. Эртаси куни уни шаҳар кўчаларининг бирида учратган "ходим" айтилган пулнинг қолган 350 сўмини беришни такси ҳайдовчисидан талаб қилди. Прокуратура ва милиция ходимларидан тузилган тезкор гуруҳ ҳайдовчидан 350 сўм пулни пора сифатида олаётган пайтда ҳеч қаерда ишламайдиган К. Собирни ва солиқ инспекцияларининг бирида катта тафтишчи бўлиб ишловчи Қ. Самадни ушладилар. Текинхўрлар устидан жиноий иш қўзғатилди.

### ҚОТИЛ ҲИБСГА ОЛИНДИ

БУХОРО шаҳар Навоий номли кўчанинг хонадонларидан бирида қотиллик содир бўлди. 81 ёшга кирган бегуноҳ Р. Қурбоновни ўз уйида номаълум сабабларга кўра ўлдириб кетишди. Қотилни аниқлаш учун милиция ходимларининг анча тер тўкишларига тўғри келди. Олиб борилган тезкор қидирувлар натижасида жиноятчи аниқланиб, қўлга олинди. У 1965 йилда туғилган Б. Шавкат экан. Жиноятчи ҳибсга олинди.

### ОРЗУЛАРИ УШАЛМАДИ

БУХОРО ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари С. Танзиля ва С. Ҳакимлар текин бойлик орттириш йўлини излаб, узоқ бош қотиришди. Ўйлаб кўришса, хазина шундоқ ёнларида экан. Икковлон вақтни ўтказмасдан ишга киришишди. Бироқ бошлаган "хайрли" ишларини охирига етказишолмади. Комбинатда ишлаб чиқарилган 63 метр чит материални ўғирлаб чиқиб кетаётган пайтларида улар милиция ходимлари қўлига тушишди.

Худди шу куни ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг яна бир ишчиси Х. Улуғбекнинг ҳам омади келмади. У 30 дона сочиқни ўмариб кетаётганда тумшуғидан илинди.

Орзулари ушалмаган ҳар учала ўғри омадсизликларидан нолиб, бугун терговга сўроқ беришяпти.

**ШУҲРАТ ҚЎЛДОШЕВ,**
**Бухоро вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция майори.**

## ОТИЛГАНИ ЯХШИ БЎЛДИ !

ҲА, ЖУДА адолатли бўлди унинг отилгани. Гарчи "бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила" дейишса-да, мен юқоридаги гапни қайта-қайта такрорлайвераман: ўлиши керак эди у!

Қирчинидан қийилган бу йигитнинг исми шарифи Ихтиёр Қиличев бўлиб, ёши 22 да эди ва шундайлигича қолди...

Воқеа бундан икки йил олдин баҳорда бўлган. Боғот туманилик Авазжон Худойберганова қизлари Султонпошша, Кумуш ва Давронбек ўғли билан кундузги ташвишлардан бўшаб ухлаб ётишарди. Шу аснода Ихтиёр кириб келади ва хонадон бекаси Авазжон опани уриб ўлдиради. Кейин Султонпошша билан Кумушнинг — ҳали вояга етмаган қизчаларнинг номусини поймол қилади ва уларни ҳам... ўлдирди. Қониқмади. Кўзи қонга қонмади унинг. Ажал чорлаётган панжалари Давронбекнинг гирибонига ёпишди. Кетма-кет зарбалар уни ҳам йиқитди. Шундан сўнггина уйни ўликларга тўлдириб, Ихтиёр чиқиб кетди.

Лекин Давронбек ўлмаган экан. Ягона гувоҳ сифатида у жиноятнинг тез орада очилишига катта ёрдам берди.

Хоразм вилоят суди адолатли ҳукм чиқарди: "Отилсин!"

**Шарифбой ЮСУПОВ,**
**Боғот тумани ИИБ бошлиғи,**
**милиция подполковниги.**

## ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

# ОЛИШУВ

1942 ЙИЛ. МАРТ. Баҳорнинг илиқ кунларидан бири. Ўзбекистон ССР ИИХК бандитизмга қарши кураш бўлимининг бошлиғи майор И. Сааковни республика ички ишлар халқ комиссари генерал А. Кобулов чақиртирди.

Топшириқ масъулиятли эди. Халқ комиссарлиги хўжалик бошқармасининг бошлиғи, подполковник А. Каспаровнинг хонадонидан икки соат олдин ўғирланган буюмлар, чўнтагида гувоҳнома бўлган гимнастёрка ва шахсий қуролни топиб, эгасига қайтариш учунгина эмас, балки жиноятда қатнашганларнинг ҳаммасини ушлаш учун атиги икки-уч кунлик муддат берилган эди. Халқ комиссари жиноятчилар қуролланган бўлиб, гувоҳномали ва формада эканлигини айтди, бу ҳол тутишни мушкуллаштирар эди.

Сааков кинологдан хизмат ити билан бирга келишни сўрагач, ўзи подполковник Каспаров билан унинг уйига йўл олди. Унинг хонадони очиқ эди. Уйга жиноят-қидирув ходимлари киришди.

Ит дарров изни топди ва Лоҳутий кўчасининг биринчи километрида, трамвай бекати олдида уни йўқотиб қўйди. Шу яқиндаги хонадон эшиги ва шифоньеридан бармоқ излари топилди, улар кейин катта ёрдам берди.

Ўғирлик қандай юз берганини жиноятчилар қолдирган изларни таҳлил қилишда хонадоннинг кўча эшиги қандай қилиб қулфи бузилмасдан очилганига алоҳида эътибор берилди. Бу янгилик эмас эди, аксар ҳолларда кундуз куни ўғирлик билан шуғулланадиган малакали ўғрилар жиноятчи гуруҳи ана шундай ишлар эди. Шунга ўхшаш ўғирликлар бўйича олиб борилган бир қатор ишларни қараб чиқишга, жиноят қидирувининг тажрибали ходимлари билан суҳбатлашишга тўғри келди. Шу пайт узоқ вақт Румыния, Франция ва Оврупонинг бошқа мамлакатларида "ишлаган" ашаддий халқаро "Гастролчи", "Тутқич бермас" лақабли одессалик ўғри гумон билан ушлангани маълум бўлди. Унинг кўрсатмаларидан фойдаланишга қарор қилинди. Уни қўйиб юборилиши сабабли бўлимлардан бирининг бошлиғи подполковник Серебряковга "Тутқич бермас"ни кузатиб юриш учун жуда малакали ходимлар ажратиш топширилди, ўғри қочиб қутулмаслиги ва айни вақтда унинг барча алоқалари аниқланиши керак эди.

Иван Айрапетович Сааков эртасига "Тутқич бермас"ни суҳбатга чақириб, унга очиқдан-очиқ шундай деди: "Эркинликда юрган ошналарингиз масъул ходимимизнинг хонадонини тунаб кетишди. Қолган изларга қараганда, сизнинг "мактабингиз"дан чиқишган". Ўғри безбетларча жавоб берди: "Фикрингизча, милицияда ўтириб, ана шу хонадонни талашда қатнаша олган бўлсам керак?" Сааков унга шундай деди: "Мен бу ҳақда гапирмаяпман, лекин диққат билан тингланг. Ҳозир сиз билан бирга ўғри урган хонадонга борамиз, у ерни сиз яхшилаб кўздан кечирасиз, ўша жойнинг ўзида бир қарорга келамиз!" Аввалига у қатъий оҳангда рад қилди, лекин бир оз ўйлаб туриб рози бўлди: "Илтимос қилаётган экансиз, бирга бориб кўздан кечиришим мумкин".

Каспаровнинг хонадонида "Тутқич бермас" қулфларни, очқич ишлатилганидан қолган изларни диққат билан кўздан кечирди, ҳеч нарса демай бошини чайқади. Бу вақтда фуқароча кийиниб олган подполковник Серебряков бир четда турарди.

Ҳамма нарсани кўздан кечириб бўлган "Тутқич бермас" бир нималарни ўйлаб туриб, Сааковга мурожаат қилди: "Умуман олганда бош қотирса бўлади, бироқ милицияда қамалиб ўтирсам, ҳеч қандай ёрдам бера олмайман". Шунда Сааков ўз таклифини айтди: "Ҳозир сизни қўйиб юборишади. Ўғирланган буюмлар, ҳужжат ва қуролни топиб қайтариб берсангиз, бутунлай озодсиз!" — "Ундай бўлса майли, — деди у. — Энди шартларимни эшитинг, гражданин бошлиқ. Ўғирланган нарсаларнинг ҳаммасини топиш ва қайтариб бериш учун барча чораларни кўраман, сиз эса ким ўғирлаганлиги, улар нечта эканлиги билан қизиқмайсиз ва ниҳоят орқамдан кузатувчи қўймайсиз". Сааков бунга жавобан қатъий оҳангда деди: "Бундай дейишга ҳақли эмассиз: мен таваккал қилиб сизни қўйиб юбо[р]япман, сиз эҳтимол ичингизда устимдан кулиб мени тентак деб атаётгандирсиз. Бизнинг топшириғимизни бажаришингизга ҳеч қандай кафолат йўқ". Бунга жавобан одессалик шундай деди: "Мен ҳақиқатан ўғриман, бунинг устига қонундагисиман. Бизнинг даражамиздаги ўғриларда виждон ва чин сўз бор. Сизга алдамаслигим тўғрисида чин сўз бераман, ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз". Сааков унинг чин сўзига ишонишга мажбур бўлди, ўзининг шаҳар телефони рақамларини ёзиб берди.

Бироқ 20-30 дақиқадан сўнг маълум бўлишича, 3-5 дақиқа давомида кузатилган одессалик бирдан кўздан ғойиб бўлган. Тўртинчи куни эрталаб унинг ўзи Сааковга шаҳар телефони орқали қўнғироқ қилиб қолди: "Салом, гражданин бошлиқ, мени қидириб чарчамадингизми?" — "Мен эса сизни қидирганим ҳам йўқ, — деди Сааков. — Зеро, чин сўзнинг қадри баланд. Мен қўнғироқ қилиб, ваъдангизни бажарганлигингиз билан хурсанд қилишингиз тўғрисида шубҳаланмаган эдим". Сааков унинг овозини эшитиши биланоқ кнопкани босиб, қабулхонадаги котибани чақирди ва бир варақ қоғозга: "Қаердан қўнғироқ қилаётганини аниқланг. Серебряковга мен телефонда гаплашиб бўлгунимча "Тутқич бермас"ни кузатишни амалга оширишни топширинг" — деб котибага узатди. Серебряков вақтга эга бўлиши учун у одессалик билан суҳбатни чўзди, унинг эркинликдаги ҳаёти, бирор нарсани аниқлашга муваффақ бўлган-бўлмаганлиги билан қизиқди. Одессалик ўғирланган буюмларни иккита чамадонда олиб келганини айтди. Ҳозирча гувоҳнома билан бирга гимнастёрка ва тўппонча топилмаган.

Бошланган суҳбатни яна чўзиш учун Сааков унга ана шу нарсаларни топиш жуда муҳимлигини айтди. "Гражданин бошлиқ, яна икки-уч кун сабр қилинг". Сўнгра у Тошкент шаҳар ижроқўмининг навбатчи милиционери ёнига қўйилган чамадонларни олиб кетиш учун одам юборишларини сўради. Шу вақт эшик очилиб, котиба имо-ишора билан ҳамма иш жойидалигини билдирди. Кўп ўтмай чамадонлар олиб келинди. Маълум бўлишича одессалик навбатчи милиционерга ўзини жиноят-қидирув ходими деб таништирган ва чамадонларни ҳозир олиб кетишади деб айтган. Бир неча кундан сўнг, яна қўнғироқ жиринглади. Одессалик салом-аликсиз шундай деди: "Қолган буюмларни ўша жойда қолдирдим. Улар қоғозга ўралган, олиб кетишингиз мумкин. Энди сиз билан орамиз очиқ, Тошкент ёқса шу ерда қоламан, ёқмаса бошим оққан томонга кетаман". Сааков унга учрашайлик, ёрдам учун шахсан миннатдорчилик билдирмоқчиман, деганда одессалик бир оз ўйланиб туриб, сўнгра шундай деди: "Йўқ, бошлиқ, учрашаман деб ўлиб турганим йўқ".

Бир неча кундан сўнг эса бир неча катта ўғирликлар содир этилди. Жиноят қидирув ходимларининг айтишича, бу ўғирликлар Каспаров хонадонидаги ўғирликка ўхшаб кетади, лекин "Тутқич бермас" уларда иштирок этмаган.

Хавфли жиноятчини озодликда қолдириб бўлмас эди. "Тутқич бермас" ва унинг шериклари Тошкент шоҳбекатида ўғирланган буюмлар билан қўлга олинди. Тергов қилиш милиция идораларига топширилди.

И. Сааков 1912 йил май ойида Арманистоннинг Горис шаҳрида косиб оиласида туғилди. Кўп ўтмай ота-онаси билан Андижонга кўчиб келди. Анча вақт комсомол ташкилотларида ишлади, шаҳар комсомол қўмитасининг йўлланмаси билан СССР ИИХКнинг Тошкентдаги ўлкалараро мактабига ўқишга юборилди. Бир йиллик ўқишни сержант унвонида тугатиб, 1938 йил февралидан Ўзбекистон ССР ИИХКда шогирд, сўнгра тезкор вакил ёрдамчиси, терговчи бўлиб ишлади. У илгари бошланган тергов ишларини текшириш билан шуғулланиб, синчковлик билан ишлади, бунда яхши натижаларга эришди. 1941 йил мартида унга катта лейтенант унвони берилди.

Фашизмга қарши кураш бошлангач И. Сааков ҳукуматимизнинг фронт орқасидаги махсус топшириқларини бажарди. 1941 йил августидан октябрга қадар ИИХК алоҳида бўлимининг тезкор гуруҳи таркибида Эроннинг шимолида бўлди. Бу гуруҳ душман айғоқчиларини зарарсизлантириш билан шуғулланди. Боку нефть конлари ва Чоржўй кўпригига ҳужумнинг олдини олди.

1942 йил январида И. Сааков Ўзбекистон ССР ИИХКнинг янги ташкил этилган бандитизмга қарши кураш бўлимининг бошлиғи этиб тайинланди. Бўлим жиноятчи-бандит унсурларига қарши курашни ташкил этиш билан шуғулланди. Бу бўлим ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан уруш давомида 300 дан ортиқ бандит гуруҳлари тугатилди, кўп миқдорда ўқотар қурол мусодара қилинди.

Бандитизмга қарши курашдаги фаол хизмати учун кўп ходимлар орден-медаллар, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ёрлиқлари, "ИИВда хизмат кўрсатган ходим" кўкрак нишони билан тақдирландилар. Майор И. Сааков 1943 йилда "Қизил юлдуз" ордени билан мукофотланди, 1944 йил сентябрида унга ички хизмат подполковниги унвони берилди, 1943 ва 1947 йилларда у икки марта "ИИВда хизмат кўрсатган ходим" кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Бандитизмга қарши кураш бўлими тугатилганидан сўнг ички хизмат подполковниги И. Сааков 1949 йилда Ўзбекистон ССР ИИВнинг қочоқларга хизмат кўрсатадиган махсус бўлими бошлиғи этиб тайинланди. 1950 йилда у Тошкент юридик институтини тугатди, 1952 йилда унга ички хизмат полковниги унвони берилди.

1953 йил августида И. Сааков бошчилик қилаётган бўлим Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига берилди. 1959 йил октябрида ички хизмат полковниги И. Сааков хизмат қилиш муддатини ўтаб бўлганлиги ва соғлиғи туфайли ички ишлар идораларидан истеъфога чиқди.

1959-1965 йилларда у Совнархозда ишлади, сўнгра 20 йил давомида Ўрта Осиё нефть кимёси ва нефтни қайта ишлаш институтида директорнинг муовини бўлди. "СССР Нефть-кимё саноати вазирлигининг аълочиси" унвонига сазовор бўлди.

Истеъфодаги ички хизмат полковниги И. Сааков ички ишлар идораларидаги фидокорона хизмати учун ҳукуматнинг 14 мукофотига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг 5 та Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги байрам қилинган кунларда унга тантанали равишда "Жасорат" медали топширилди.

1992 йил май ойида ўзининг саксон ёшини нишонлаган И. Сааков ҳали бардам. У ўзининг бой ҳаётий ва амалий тажрибасини ички ишлар идораларининг ёш ходимлари билан баҳам кўрмоқда.

**Р. ҲОШИМОВ,**
**истеъфодаги ички хизмат полковниги, юридик фанлар номзоди.**



**Суратда: истеъфодаги ички хизмат полковниги И. Сааков.**

# ХАЛҚ ХИЗМАТИДА ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛ

САЛИМ АКА анча кексайиб қолган бўлса-да, тиниб-тинчимайдиган инсонлардан. У ҳеч бўш вақтини бекорга кетказмайди. Нафақадаман деб жимгина жойида ўтираверса ҳам бўларди, лекин у бунга одатланмаган. Бўш қолдими, жуда бўлмаганда ёниб-жўшиб турган сўзлари билан одамларга ёрдам қўлини чўзади, кўндаланг бўлиб турган муаммони ўринли ҳал этиш йўлларини кўрсатади. Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлганларнинг, зарур маслаҳатлар олганларнинг сон-саноғи йўқ.

Мана, бугун ҳам Салим ака уйида тинч ўтиролмади. У ўзини қаерга уришни билмай турганда ҳамшаҳар дўсти эсига тушиб қолди-ю, хурсанд бўлиб кетди. Чунки милиция байрами куни яқин эди. Шу баҳонада уни бир табриклаб, дилдан суҳбат қуриб келишни ният қилиб йўлга чиқди. Кечга яқин ширин кайфиятда уйга қайтиб келган эди, унга "Отчопар" маҳалласи вакиллари йиғилишга — ёшлар билан учрашувга таклиф қилиб кетишганини айтишди.

"Отчопар" маҳалласи... у йигирма беш йиллик умрини бахш этди бу маҳаллаю, атрофдагиларнинг осойишталиги учун. Айни навқирон даври шу ерда ўтди. Маҳаллада қимирлаган жон борки, Салим акани танирди, Салим ака эса уларни. Чунки бу ерда у ҳақиқий посбонлик вазифасини ўтади. Ёмонларнинг йўлини тўсди, яхшиларга ҳамдард бўлиб, ёрдамини аямади. Жиноятчиликка қарши кечани кеча, кундузни кундуз демай курашди. Ўзгалар тинчини бузувчиларга нисбатан қаттиққўл бўлди.

Мана, қилган яхшиликларини халқ унутмабди. Салим аканинг шижоат тўла чеҳрасида майин табассум ўйнади, кўзларига ёш қалқди. Бу инсоннинг ўз ўтмишидан хурсандлик, ризолик аломатлари эди. Ҳа, бундан ҳам ортиқ бахт бўладими инсонга.

... Салим ака Армия сафидан қайтгач, 1952 йили ички ишлар бўлимига оддий милиционер бўлиб хизматга келди. Беш йил милиция фаолиятини чуқур ўрганиб, анча тажриба орттирди. 1957 йил ССЖИ ИИВнинг Тошкентдаги ўрта махсус милиция мактабига ўқишга кириб битириб чиқди. Ёш милиция лейтенанти 1959 йили Асбобсозлик заводи ёнидаги "Отчопар" маҳалласига участка вакили қилиб тайинланди. Бу участкани осойишта жойлардан деб бўлмасди. У келган куниданоқ бутун ҳаётини шу маскан билан боғлаб юборди. Бор кучини аямади. Албатта, оғир кунлар ҳам бўлди. Хавф-хатарларга дуч келди. Лекин ортга чекинмади. Аксинча, янада чидам билан ишлади. Халққа суянди. 1972 йил унинг ҳалол хизмати, виждонан қилган меҳнати муносиб тақдирланди. ССЖИ ИИВ томонидан милиция майори унвони берилди.

У анча вақт участка катта вакили бўлиб ҳам ишлади. Шогирдлари — ёш участка вакилларига яқиндан ёрдам бериб келди. Уларни тарбиялади, бой тажрибасидан ўргатди.

1982 йил "Отчопар" маҳалласида катта йиғилиш бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ва туман ИИБ (ҳозирги Юнусобод) раҳбарлари келишиб Салим Қурбоновни тантанали равишда нафақага кузатишди. Ҳаммаёқ гулларга тўлиб кетди. Унинг елкасига чопонлар ташланди, завод маъмурияти пул мукофоти билан тақдирлади. Хайрлашув чоғида кўз ёш қилганлар ҳам бўлди.

— Тўйга ўхшаб кетган бу тантанадан ниҳоятда хурсанд бўлдим, бошим осмонга етди, севинчим ичимга сиғмасди, — деб ҳикоя қилади Салим ака Қурбонов ўша кунларни эслаб, — Лекин кўнглимнинг қаеридир хиралашгандек турарди. Ахир, йигирма беш йил бирга бўлган одамлардан, дўстлардан узоқлашиш қийинда. Фақат бир нарсага ишонч ҳосил қилдимки, инсон ўз меҳнати билан қадрланар экан, эъзоз топаркан. Шунинг учун ҳам мен ўша куни нафақага кетсамда, "доимо сизлар билан биргаман" деб йиғилганларга сўз бердим. Сўзимда турдим ҳам. Бу ердагилар мени доимо тўйларга таклиф қилишади. Байрамларда иштирок этаман. Аммо бир нарсага ачиниб қўяман. Мен нафақага кетганимдан кейин бутун ҳаётим мазмунини ташкил этадиган бу жой участка вакилларига ёлчимаяпти, келган ходимлар қўним тополмаяпти, яъни ўтган ўн икки йил давомида, бундай бармоқ билан санаб чиқсам, саккиз маротаба участка вакили ўзгарибди.

Ҳа, Салим ака Қурбонов айтганидек, ички ишлар бўлимидаги хизматнинг асосий оғирлиги, юки милиция участка вакиллари зиммасига тушади, бардошли кишигина бу касбни танлайди.

Салим Қурбонов армия ва ИИБда жами бўлиб ўттиз беш йил хизмат қилган бўлса-да, ундаги ғайрат-шижоат сўнмаган эди. Буни билган Тошкент шаҳар ИИББнинг ёнғиндан сақлаш бошқармаси уни ишга таклиф қилди. У яна ўн йил ўт ўчирувчилар гуруҳининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Ёшларга хос серҳаракат Салим ака Қурбоновга яқинлашиб келаётган милиция куни муносабати билан саломатлик тилаймиз, ўтган ҳар бир кунининг янада қувончли бўлишини истаб қоламиз.

**Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ.**

# СОҒЛОМ ҲАРАКАТ УЧУН

ВИЛОЯТДА осойишта ва барқарор муҳитни таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида бўлинмамиз ходимлари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Иш фаолиятимизни аввалдан белгиланган профилактик тадбирлар асосида олиб бораётганимиз ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Асосий эътиборни бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратган ходимларимиз шу йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги барча хўжалик, ташкилот, муассасаларда тушунтириш ва суҳбат ўтказиб, барча автотранспорт ҳайдовчиларига тегишли маслаҳат, кўрсатмалар бердилар. Автохўжаликлар, жамоа хўжаликлари, қолаверса, транспортдан фойдаланадиган хўжаликларда транспорт воситаларининг техник жиҳатдан созлиги, уларни эрталаб йўналишга чиқариш ва кечқурун қабул қилиб олиш тартиби текширилиб, мавжуд камчиликларнинг бартараф этилиши бўйича кўрсатмалар бердик.

Вилоят ИИБ ДАНБ ва унинг туман, шаҳарлардаги бўлинмалари томонидан йўлларда ҳаракатланиш қоидалари, тартиб-интизомга, мавжуд қоидаларга риоя қилмаётган ҳайдовчилар, ҳаракат қоидаларининг бузилиши оқибатида рўй бераётган ачинарли ҳодисалар тўғрисида матбуот орқали кўплаб чиқишлар қилинмоқда.

Бироқ, ўтказилаётган тарбиявий-профилактик тадбирлар, тушунтиришларга қарамай, айрим ҳайдовчилар қоидабузишдек ўзларининг найрангларини такрорламоқдалар. Оқибатда кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермоқда.

Шу йилнинг 18 октябрида Наманган вилояти Чуст тумани аҳолига хизмат кўрсатувчи "Мададкор" корхонасига қарашли ЗИЛ 138-А русумли, 86 - 94 НАЛ давлат белгили юк автомобили ҳайдовчиси Равшан Назаров йўловчи ташиш ва йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, авария содир қилади. У бошқараётган юк машинасининг кузовида 10 нафар йўловчи, кабинада эса ўзи билан яна бир йўловчи бўлган. Машина йўловчи ташиш учун жиҳозланмаган. Қолаверса, кузовдаги йўловчилар ДАН ходимлари сезмаслиги учун ҳажми катта бўлган брезентга ўраниб олишган. Улар Асака бозорида картошка сотиб қайтиб келишаётганда Олтинкўл туманидаги "Ҳақиқат" жамоа хўжалигидан ўтган давлат аҳамиятидаги катта йўлнинг 12,4 километрида Фарғона канали кўприги устидаги темир-бетон тўсиқларни суриб, каналга ағдарилиб кетишган. Натижада юк машинаси кузовидаги йўловчилардан 5 нафари сувга чўкиб ҳалок бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераккки, воқеа содир бўлган кундан роппа-роса бир ой олдин худди шу ҳайдовчи — Р. Назаров вилоят ДАН ходимлари томонидан йўлда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлиги учун огоҳлантирилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган эди. Шунга қарамай, у яна қоидани бузди. Бу сафаргиси Р. Назаров учун жуда қимматга тушадиган бўлди.

Бу бахтсиз ҳодисага алоҳида тўхталишимиздан мақсад бошқаларга дарс бўлсин. Токи ҳар бир ҳайдовчи йўлга чиқдими, у соғ-омон манзилига етсин.

Бўлимимиз пахта мавсуми олдидан одам ташиш қоидалари, машиналарни шу мақсадда жиҳозлаш борасида пахтакор хўжаликларда қатор тадбирлар ўтказдилар.

Вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан йиғим-терим қатнашчиларига, тартиб посбонларига мурожаат қабул қилинди. Бу мурожаат вилоят "Андижонномa" газетасида эълон қилинди. Унда пахта мавсумини фавқулодда ҳодисаларсиз, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишга даъват қилинди. Мурожаатга жавобан ҳар бир транспорт воситаси ДАН ходимлари назоратида бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон йўлларининг ҳолати, иқлим шароити транспорт воситаларининг имконияти эътиборга олиниб, йўл ҳаракати қоидаларига жиддий ўзгартиришлар киритилди ва "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари" қайта тайёрланиб, жорий қилинди. Бу қоидалар ДАНЬ ходимлари ва ҳайдовчилар томонидан яхши кутиб олинди.

Айниқса, янги қоидаларда кўрсатилганидек, аҳоли яшайдиган жойларда барча транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан оширмаслик ҳозирги шароитда айни муддао бўлди. Авваллари бу кўрсаткич соатига 60 километрни ташкил қиларди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўша 60 километрлик тезликка риоя қилмаслик оқибатида 1992 йилда қўпол қоидабузарлик 24,2 фоизни, 1993 йилда 30,2 фоизни ташкил қилди. Бу жойларда белгиланган тезлик ҳаётий эмаслигини кўрсатиб турибди. Ўтган йиллар тажрибасидан маълумки, тезлик 60 километр қилиб белгиланган йўлларда сунъий равишда қоидабузарликлар келиб чиқди, кўплаб ҳайдовчилар ноўрин жазоланиб, баъзан адолатсизликка ҳам йўл қўйилди.

Транспорт воситаларини бошқарувчи кишиларнинг ёшидаги ўзгаришлар ҳам ўринлидир. Илгари енгил автомобилда ўрганувчилар ёши 16, мотоциклда 14 ёш деб кўрсатилган бўлса, янги қоидаларда енгил автомобилда 17 ёш, автобус, трамвай, троллейбусларда 20 ёш, мотоциклда эса 16 ёш қилиб белгиланган. Бу, албатта, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

"Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари" барча ҳаракат қатнашчилари ва ҳаракат назоратчиларининг имкониятлари инобатга олинган ҳолда тузилган. Бу қоидалар янги талабларга кўра ўрта мактабларда, махсус билим юртларида, мактабгача тарбия муассасаларида ўқитилиши лозим. Янги қоидаларда йўлларда ҳаракатланиш иштирокчилари ўзаро яхши муомалада бўлишлари алоҳида таъкидланади. Мақсад ҳайдовчи билан ДАН ходимлари ўртасида инсонга инсондек муомалада бўлишни таъминлашдир. Энди ҳайдовчи фақат транспорт воситасининг техник созлигига жавоб берибгина қолмай, балки автомобилнинг тозалигига ҳам масъулдир.

"Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари"нинг жорий қилиниши муносабати билан вилоятимиз ҳудудидаги барча автохўжаликлар, жамоа хўжаликлари, ташкилот, муассасаларда янги қоидалар, ўзгаришлар ва уларга риоя қилиш мавзусида тушунтириш ишлари олиб бордик, ҳозирда бу ишларни давом эттиряпмиз.

Бизнинг муддаомиз — ҳайдовчиларимизнинг, барча йўл-ҳаракати қатнашчиларининг сафарлари бехатар бўлсин! Уларга оқ йўл тилаймиз.

**Азаматжон ТОШБОЕВ,**
**Андижон вилояти ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция майори.**



## Табриклаймиз!

Бухоро вилоят ИИБ жиноят-қидирув бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили, милиция майори Соҳиб ҲАМИДОВни 45 ёшга тўлганлиги муносабати билан самимий муборакбод қиламиз. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, масъулиятли хизматида катта зафарлар тилаймиз.

**Бухоро вилоят ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

## "01" ХАБАРЛАРИ

**20 ОКТЯБРЬ** куни Тошкент вилояти Қибрай туманининг Маданият жамоа хўжалигида жойлашган Беруний номли 32-ўрта мактабдан ёнғин чиқди. Натижада мактаб 800 квадрат метр ҳажмда шифтсиз ва боғотсиз қолди. Ёнғин сабаблари аниқланмоқда.

***

**ЖИЗЗАХ** вилоятининг Жиззах шаҳридаги Охунбобоев кўчаси 34-уйида истиқомат қилувчи Р. Бекиняеванинг хонадонида 24 октябрь куни ёнғин содир бўлди. Оқибати эса яхшилик билан тугамади, албатта. Уй зарарланди, хонадон учун зарур бўлган жиҳозлар ёниб кетди. Устига устак уй эгаси II-III-даражали куйиш билан касалхонага тушиб қолди. Қишли-қировли кунлар эса остонада турибди...

***

**26 ОКТЯБРЬ** кунги ёнғин Тошкент вилоятининг Тошкент туманида яшовчи К. Каримовнинг чинакамига уйини куйдирди. Биргина моддий зарарнинг ўзи "атиги" 40 минг сўм (ҳозирги пулда!). Айбдор эса Каримовларнинг ўзлари: газ плитасидан нотўғри фойдаланишган.

***

**ЯНА ШУ КУНИ** Фарғонанинг Учкўприк туманидаги Яйилма қишлоғида жойлашган "Баҳор" шахсий универсал дўконининг омборхонаси ўт ичида қолди. Омборхонадаги икки той пахта ва... хашак(?)нинг бир қисми ёниб кетган. Ёнғин сабаби аниқланмоқда.

***

**ОХИРГИ** учта хабаримиз 27 октябрь куни рўй берган. Шу куни Қарши туманидаги Намуна жамоа-ширкат хўжалигига қарашли фермада кутилмаган аланга кўкка ўрлади. Аланга билан бирга ферманинг 280 квадрат метр томи ва уч тонна дағал хашаги ҳам осмону фалакка учиб кетди.

***

**ХОНҚАЛИК** Б. Сотимовнинг чорваси ҳам қишлик емишидан ва бошпанасидан айрилди: молхона таъмирга муҳтож бўлиб қолди, бостирманинг бир қисми куйиб кетди, икки тонна хашакдан эса фақат кул қолди.

***

**ХАТИРЧИ** туманидаги Большевик қишлоғида яшовчи Х. Жонқобулова тандирда нон ёпаётиб... куйиб қолди ва касалхонага ётқизилди. Шифокорларнинг ташхиси бўйича аёл II-III-даражали куйиб, ўз бошига дард орттирган.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Ёнғиндан сақлаш бошқармаси матбуот гуруҳи.**

## КИМНИНГ ДАРДИ НИМАДА?

БУ КЎРИНИШИДАН арзимаган, аммо моҳиятан кишини жуда ўйлантириб қўядиган кичик воқеа республикамиз мустақиллиги байрами арафасида — 31 август куни содир бўлди.

54 ёшли Раҳбаржон Юсупова ва унинг қизи Роза Тоироваларнинг шу куни байрамона кайфиятлари бузилди. "Чилонзор" метро бекати яқинида уларнинг орқасидан келаётган ёшгина йигит Раҳбаржон опанинг тилла занжирини бир тортишда узиб олиб, қочиб кетди. Шу қочишда Фарҳод кўчасидан ўтиб, қўшни 16-мавзе ҳудудига кирди-да, кўздан йўқолди.

Она-бола дарров ўша ерда хизмат бурчини ўтаётган шаҳар ИИББ патруль-пост хизмати ходимлари Ж. Қаноатов, Ю. Шодиёров ва И. Ҳусановларга воқеани баён қилишди. Милиционерлар 16-мавзенинг 11-уйи олдида ўғрини ушладилар. Бунда уларнинг касбий сезгирликлари жуда қўл келди. Милиционерлар ушланган йигитни тинтув қилишди. Унинг ёнидан ўша юлиб олинган тилла занжир чиқди. Ўғри боланинг ёши бор-йўғи 18 да экан. Раҳбаржон опа ва унинг қизлари Роза Тоироволар патруль-пост хизмати 1-ротаси сардори, милиция майори Тоҳир Маткаримов ва у бошчилик қилаётган бўлинма ходимларига чин дилдан миннатдорчилик билдирдилар.

Аммо биз айтмоқчи бўлган гап бу эмас. Гарчи воқеанинг бўлиб ўтганига анча бўлган бўлса-да, дилимизда сақланиб келаётган оғриқли ташвишимизни айтиб ўтишни жоиз кўрдик.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, воқеа байрам арафасида юз берди. Ҳамма-ҳамманинг дарди ушбу кунни муносиб қаршилаш бўлиб турган бир паллада ёшгина йигитчанинг бу ўғирлиги бизни кўп нарсадан огоҳлантиради. Равшанки, Ватанимиз келажаги шу ёшлар ҳаракатига, фидокорлигига, юртимиз раҳбарининг ибораси билан айтганда, элим, юртим деб ёниб яшашига боғлиқ. Аммо шундай ёшлардан бири — мустақиллик куни байрамида ҳам ўғирлик қилган йигитдан нимани кутасиз?

Ҳуллас, бизнинг биринчи галдаги вазифамиз ёшларга Ватан туйғусини сингдириш бўлмоғи керак. Ҳатто Ватан деганда ашаддий ўғри ҳам йўлидан қайтадиган бўлсин.

**Бойназар ХУДОЙНАЗАРОВ.**
**Республика ИИВ ходими, милиция лейтенанти.**

## СУРАТЛИ АХБОРОТ



Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси йўл-патруль хизматининг инспектори, милиция кичик сержанти К. Умаров ўзининг касб маҳоратини мунтазам равишда ошириб боради, ўзига мурожаат қиладиган ҳайдовчилар ва йўловчиларга эътиборли, сезгир муносабатда бўлади. У Тошкент шаҳар ИИББ қошидаги дастлабки тайёргарлик кўриш мактабида таҳсил олганидан сўнг Давлат автомобиль назоратида тўртинчи йилдирки хизмат қилмоқда.

**Суратда: инспектор К. Умаров ҳайдовчи билан суҳбатлашмоқда.**

**Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.**

боради.

**19.40** "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалилар командаси". Телесериал. 5-серия.
**20.40** Хайрли тун, кичкинтойлар!
**21.00** Янгиликлар.
**21.45** "Коламбия пикчерс" таништиради. "Соҳиб Баллантре". Телесериал. 2-серия.
**22.45** — 23.25 "Оба-На".

## Якшанба, 13

**ЎзТВ I**

**7.00** — **9.00** "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

**9.00** "Кулинг, дўстлар".
**10.00** "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
**10.30** "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 92—93-сериялар.
**12.00**"Аҳвол қандай, чемпион?".
**13.30** "Ижодкор портретига чизгилар". Кинокўрсатув.
**13.00** Лирик концерт.
**13.30** Болалар театрида. Анвар Обиджон. "Қоринботир".
**14.20** — 15.00 "Хотира". Жавдат Абдулла.

***

**17.55** Кўрсатувлар тартиби.
**18.00** "Санъат ғунчалари".
**18.30** "Ёшлик" студияси. "Қутлуғ ташриф".
**18.55** Эълонлар.
**19.00** "Ҳафтанома" (рус тилида).
**19.30** Эълонлар.
**19.35** "Ойнаи жаҳонда..."
**19.55** Дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
**20.25** Эълонлар.
**20.30** "Ҳафтанома".
**21.00** Эълонлар.
**21.05** "Якшанба оқшомида".
**21.55** "Ижод завқи ва машаққати". Кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов.
**22.55** Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Трактор".
**23.45** — 00.15 "Ҳафтанома".

**ЎзТВ II**

**"ОМАД" таништиради:**

**17.00** "Совға".
**17.30** "4/8". Мусиқий кўрсатув.
**17.50** "Таҳлил".
**18.00** Эълонлар.
**18.10** Видео — "О".
**19.50** Эълонлар.
**20.00** "Курьер".
**20.20** "Об-ҳаво ҳақида".
**20.30** "Постфактум".
**20.40** "Рок ҳақида".
**21.10** "Даракчи".
**21.20** Эълонлар.
**21.30** Видео — "О".

**ЎзТВ III**

**10.00** "Диққат, шаҳарда сеҳргар!". Бадиий фильм.
**10.55** — 11.55 "Мусиқий танишув". Сосо Павлиашвили.

* * *

**18.10** — **19.40** Туркия телевидениеси.

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

**19.40** "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
**20.05** "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
**21.05** "Дунё эшиги".
**21.45** "Би-Би-Си" янгиликлари.
**22.00** Чет эл эстрадаси.
**22.30** "Бу ажиб дунё".
**22.50** — 23.05 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**

**17.45** Америка М. Таратута билан.
**18.10** Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
**18.20** "Ҳунарли хор бўлмайди".
**18.25** "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
**19.20** "Бутун Россия". "Н шаҳрида".
**22.00** "КВН-94".
**22.00** — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

**("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).**





# ЯНА ДАЙДИЛАР ҲАҚИДА

ТОШКЕНТ вилояти ИИБнинг милиция капитани М. Мирхолиқов раҳбарлигидаги 2-сонли қабулхона-тақсимлагичи қирқ кишига мўлжалланган. Бу ерга тақдири аянчли, ҳаётда ўз ўрнини топмаган турли ёшдаги кишилар келтирилади. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи ичида қабулхона-тақсимлагичдан 526 киши ўтди. Синчиклаб текшириш натижасида қидирувда бўлган 66 киши, махсус комендатурани ўзбошимчалик билан ташлаб кетган 33 киши аниқланди. Уларнинг 16 нафари илгари турли



жиноятлар қилган, 8 нафари бедарак йўқолган, 9 нафари алимент тўлашдан қочиб юрган кишилар бўлиб чиқди.

Мана бир неча мисол.

Жанубий Қозоғистоннинг Махтаорол тумани ИИБ томонидан бир неча марта босқинчилик қилган Юрий Ф. анчадан бери қидириларди. У бахтини излаб Тошкентга келди ва қабулхона-тақсимлагичга тушди.

Н-қисм ҳарбий хизматчиси тожикистонлик Андрей С. жиноят қилди. Унга нисбатан ҳарбий прокуратура жиноий иш қўзғади. Бир оз вақт яшириниб юриб, Тошкентга келди ва бу ерда қўлга тушди. Қабулхона-тақсимлагичда текширувдан ўтказилгач, у ўз қисми жойлашган ҳудудга юборилди.

Рустам Р. Қарши шаҳридаги махсус комендатурадан қочиб, Тошкентга келди. Бу ерда у милиция ходимлари томонидан ушланди ва қабулхона-тақсимлагичдан текширувдан ўтказилгач, Қаршига жўнатилди. Бундай мисоллар оз эмас.

Қисқаси, қабулхона-тақсимлагич ходимлари фуқароларнинг манфаатлари йўлида ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш учун собитқадамлик ва самарадорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

**ҲАБИБ ШУКУР.**

**Суратларда: қабулхона-тақсимлагич бошлиғи, милиция капитани М. Мирхолиқов ходимлари — тезкор вакил, милиция капитани Б. Бектурганов, милиция катта лейтенантлари: навбатчи инспектор М. Пиримқулов ва қабулхона-тақсимлагич бошлиғининг ўринбосари С. Мирзамовга топшириқ бермоқда; навбатчининг ёрдамчиси, милиция кичик сержанти К. Кенжаев ушланган кишининг бармоқ изларини олмоқда; ишга жойлаштириш бўйича инспектор, милиция лейтенанти Н. Давлатёров ушланган киши билан суҳбатлашмоқда.**

**Муаллиф олган сурат.**

# "ОЛОВ ИЧРА НЕ БЎЛСА, ФАҚАТ ЎЗИ БИЛАДИ"

АЛЬБОМ ВАРАҚЛАБ ўтириб, кўзим ногаҳон сарғайиб кетган суратга тушди. Таний олмадим. Кейин билсам, уларнинг бири тоғам, иккинчиси дўстлари экан. Шунда тоғам изоҳлай кетдилар...

"Ўшанда айни пахта йиғим-терим палласи эди. Пахта қабул қилиш пунктида ишлардим. Хизмат сафарига қўшни шаҳарга, катта заводга юборишди. Тажриба алмашиш, иш ўрганиш билан бир ой ўтиб кетганини ҳам сезмай қолибмиз. Кунлардан бир куни фалокат рўй берди. Пахта хирмонининг устидан тутун буррқсиб қолди. Ҳамма ўша томонга югурди. Мен ҳам ўт ўчирувчилар келгунча нарвон билан хирмон устига ўтни ўчириш учун чиқдим. Чиқдим-у анграйиб қолдим. Хирмоннинг ўртасида каттакон чўғ пайдо бўлган ва у тобора катталашиб, чуқурлашиб бораётганди. Жон ҳолатда камзулимни ечиб, ўтни ура бошладим. Дарров шлангларда сув узатишди. Уч-тўрт чоғли йигитлар оловни ўчириш учун сув сепа бошладик. Аммо олов бас бойлашгандек кучаяр, хирмон ўйилиб, чўкиб борарди. Олишув анчага чўзилди. Олов оловлигини қилаверди. Сочларимиз ҳам, киприкларимиз ҳам бир зумда қовжираб қолганлигини сездик. Аммо орият кучлилик қилди: "хирмон устига чиқдикми, ўтни ўчирмай тушмаймиз!". Ахир шунча пахтани кулга айлантириш даҳшат-ку! Кимнингдир бефарқлиги, лоқайдлиги, масъулиятсизлиги туфайли фожиа рўй берган, биз бемалол ўтирсак гуноҳ-ку. Бироқ, баданларимиз куя бошлади, ирғишлаб қолдик. Жон ширин экан" Пастга ташла, туш!", деганларига қулоқ солмаймиз-у, жонимиз оғрийди. Тишимизни-тишимизга қўйиб чидашга ҳаракат қилдик. Оз миқдорда бўлса-да, оловни ўчиргимиз келди. Афсус, ўт балоси бизга бўй бермади. Иссиққа ҳам дош беролмадик. Хуллас, орқага ҳам, олдинга ҳам йўл йўқ. Битта йўл — хирмон тепасидан пастга сакраш. Шундай қилдик. Сакрадигу ҳушимизни йўқотдик. Узоқ вақт гипсланган оёқларда ётиб дардимизга малҳам истардик. Куйиб кетган юзларимизни кўяверасан. Бу суратга жонни гаровга қўйиб, бир ўлимдан қолганлигимизни эслаб юриш учун тушгандик. Мана орадан кўп йиллар ўтди. Ёшим етмишга етиб қолай деди. Ҳамон ўша фалокатни эсласам, вужудимга титроқ киради. Шунда элимнинг ўт ўчирувчилари мард инсонлар эканлигига тан бераман. Ҳаловатини билмай, жонини жабборга бериб фалокат билан юзма-юз бўлишга иродалари етаркан деган фикрга келаман", — дея ҳикоясини тугатди тоғам.

Ҳа, пахта она Ватанимизнинг, Ўзбекистонимизнинг бойлиги. Бир туп ниҳолни етиштириб, ҳосилга киргизиш учун озмунча меҳнат қиладими бободеҳқон? Бойликка тенг пахтани асраш, ўт балоларидан сақлаш ҳам осон эмас. Бунинг ортида оловқалб, марду майдон ўт ўчирувчилар туради. Ана шу бойликни асраб-авайлаш, фалокатлардан сақлаш, энг муҳими, ёнғиннинг олдини олиш ўт ўчирувчиларнинг, масъул ходимларнинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Демак, орамизда мард ёнғиндан сақлаш ходимлари бор экан, кўнглимиз хотиржам. Улар кези келса жонни гаровга қўйиб ўтга кирадилар.

Олов тилсиз ёв. У балосини бевақт бошламасин. Ҳаш-паш дегунча ўз ишини уддалаб, кўнгилларни вайрон этади. Шунинг учун ҳам пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши билан ёнғиндан сақлаш бўлими ходимлари тинчини йўқотадилар. Улар пахта тозалаш заводларига, пахта қабул қилиш пунктларига йўл оладилар. Пахтани ёнғиндан сақлаш борасида йўл-йўриқлар, маслаҳатлар берадилар. Фалокатларнинг олдини олиш муҳим масала эканлигини уқтирадилар. Айни пайтда Асака шаҳар ёнғиндан сақлаш бўлими (бошлиғи Ҳ. Ҳамдамов) ходимлари масъулият билан ишламоқдалар. Улар кеча-ю кундуз белгиланган жойларда назорат ва тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Аҳоли ўртасида ёнғиннинг олдини олиш масалалари бўйича суҳбатлар, тушунтириш ишларини ташкил қилаётирлар.

Навбатдаги чақириқ! Соҳа ходимлари бунга кўникиб қолганлар. Дарров хизматга отланадилар. Дастурхонда оши, пиёлада чойи қолаверади. Дарҳол кунми-тунми, дарди борми-йўқми, қатъий назар чақирилган жойга етиб боради. Аммо ҳеч қачон касби-корларидан нолишмайди. Оғир пайтларда ўз бурчларини шараф билан адо этиб, раҳмат эшитган кун улар учун энг бахтли ва унутилмас кундир.

*

*Мўъжизакор толалар юрагимнинг торидир,*
*Чаноқлардан тошганда қўлим интизоридир,*
*Оппоқ олтин, оқлиги элим номус-оридир,*
*Нигоҳ етмас хирмонни оловлардан асрасин.*
*Ёнғин заҳри чақса гар балогардон айлаган,*
*Тунми, кунми, шамолми, ўзни сарсон айлаган,*
*Паст-баландми жонини гоҳи нарвон айлаган,*
*Ўтга кирган шунқорни ёмон кўздан асрасин.*
*Ўт билан олишгани ўт юраклар киради,*
*Битта қўрқоғи бўлмас, ботирлари юради,*
*Олов ичра не бўлса, фақат ўзи билади,*
*Бало тизгинлаганни ёмон кўздан асрасин.*
*Формалари эгнида шер йигитлар — эл марди,*
*Мушкул савдо тушганда билиниб қолар қадри,*
*Ўтга, сувга бош урса бўлмасин сира дарди,*
*Элим, юртим деганни ёмон кўздан асрасин.*

**Мукаррама ҒАНИЖОН қизи,**
**журналист.**

